



23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Хар қандай сайловлар халқаро сайлов стандартлари асосидаги демократик қонуниятларга мос равишда амалга оширилиши лозим. Мамлакат миллий қонучилигини мазкур демократик тамойиллар асосида қабул қилиш эркин, адолатли фуқаролик жамиятини қураётган ҳар бир давлат олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

тамойилига мувофиқ, сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади. Аёллар ва эркаклар тенг сайлов ҳуқуқига эгалар, ҳарбий хизматчилар барча бошқа фуқаролар билан тенг равишда ушбу ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Ҳеч ким сайловда, бошқа шахсларга нисба-

объектив сабабларга кўра сайлов участкасига кела олмаслиги ҳолати ҳам кўзда тутилган бўлиб, бунда тегишли сайлов участкасининг вакиллари ўша сайловчи турган жойга (уйи, касалхона ва ҳ.к.) бориб, унинг сайлов бюллетенини тегишли тартибда тўри ва ташқи та-

Президент сайлови тамойиллари Қозғоғистон, Грузия, Беларусь, Қирғизистон ва Украина каби давлатларда Ўзбекистон Республикаси каби қаттиқ. Молдовада эса фақатгина эркин сайлов ҳуқуқи қўшимча равишда белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси сайлов қонучилигига эътибор қаратилса, эркин сайлов ҳуқуқи барча ҳуқуқий ҳужжатларда тўлиқлигича белгилаб берилган. Шу асосда сайлов эркинлигининг Ўзбекистон Республикаси сайлов қонучилиги учун беғона эмаслигини билиб олиш қийин эмас.

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда). Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳуқуқматларо комиссиясининг мажлисларини ўтказиш мунтазам тус олган. Комиссиянинг 2006 йил август ойда Тошкентда бўлиб ўтган еттинчи мажлисида 200 дан зиёд Хитой компаниясининг вакиллари қатнашди.

Ўзбекистонда Хитой сармоiasi иштирокидаги 136 қорхона фаолият қўрсатмоқда, уларнинг 105 таси кўшма қорхона, 31 таси эса 100 фоиз Хитой маблағи асосида ташкил этилган. Бу қорхоналар фаолиятининг асосий йўналишини енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, вусоғачилик хизмати қўрсатиш ва ҳўжазолар ташкил этиди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, сармоиялар ва савдо вазирлигида 26 та Хитой компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтган бўлиб, улар экспорт-импорт операциялари ўтказишни, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларни ўз ичига қамраб олади.

Нефть-газ соҳасида ҳам сармоиявий ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (СНПК) Орел денгизи хавзасида, Устюрт, Бухоро, Хива ҳамда Фарғонанинг нефть ва газга бой ҳудудларида геология-қидирув ишларини олиб бормоқда. Наманган вилоятининг Мингбулоқ қондида нефтни қазиб олиш бўйича кўшма қорхона тўзилган.

Икки мамлакатнинг маданий ва гуманитар ҳамкорлиги ҳам тобора ривожланиб бормоқда. 2005 йилнинг апрель ойда Пекин шаҳрида «Ўзбек фотосанъати 125 йил» кўргазмаси ташкил этилди. 2006 йил август ойда Тошкентда «Хитой киноси кунлари» бўлиб ўтди. Ушбу тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамағармаси томонидан Хитойнинг Ўзбекистондаги эл-чихонаси ҳамда «Ўзбеккимо» миллий агентлиги кўмағида ташкил этилди.

2007 йилнинг сентябрийда Ўзбекистон делегацияси илк бор Пекин халқаро китоб ярмарасида иштирок этиди.

Идораларо йўналишда малака ошириш ва талабарлар алмашуви ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда. 2007-2008 ўқув йилида Хитой томонидан 22 нафар ўзбекистонлик талаба ва малака оширувчи ҳўкумат гранти тақдим этилди. Уларнинг хитой тили, халқаро иқтисодиёт ва савдо, менежмент, экогеология, ядро физикаси мутахассисликлари бўйича Хитойда таълим олиши ташкил-лаштирилди.

2005 йилнинг май ойда Тошкентда хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций номи институти очилди. Айни пайтда бу ерда мактаб ўқувчилари, талабалар, бизнес вакиллари, илмий ходимлар, шунингдек, хоржий фуқаролардан иборат 150 нафардан зиёд тингловчи тахсил олмақда.

2007 йилнинг май ойда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде Хитой томонининг бегарас ёрдами асосида техник асбоб-ускуналар ва ўқув материаллари билан тўла жиҳозланган Хитой тили марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

2005 йилнинг сентябрь ойда Пекиндаги Марказий миллатлар университетида «Ўзбек тили» мутахассислиги бўйича талабаларнинг 18 нафардан иборат илк гуруҳини жалмаган ўзбек тили кафедраси иш бошлади.

Буларнинг барчаси кенг шартномавий-ҳуқуқий заминга эга бўлган Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг изчил ривожланиб бораётганидан ёрқин далолатлар.

Шубҳа йўқки, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябаонинг мамлакатимизга буюражак ташрифи Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

«Жаҳон» АА.

ЕРНИ БОҚСАНГ, ЕР СЕНИ БОҚАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда). Президентимизнинг қуни кеча матбуотда эълон қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони қишлоқ ҳўжалигига, деҳқонларимизга, ермизга эътиборнинг, гамиҳўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Ушбу Фармонда ер билан ишлаш, унинг талабини қондириш чинакам ҳаётий вазифа эканлиги қўрсатиб берилдики, бу мазкур Фармоннинг гоат муҳим аҳамиятга эга эканлигидан, унда деҳқонларнинг дилдаги ниятлар акс эттирилганидан далолат беради. Фармонда, аввало, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли Давлат дастурларини ишлаб чиқиш, уларни ҳаётта таътиб этиш белгиланган. Айниқса, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамағармасининг ташкил этилиши нур устига аило нур бўлди. Чунки бу жамағарма фақат ерларнинг мелиоратив ҳолатини, унинг хошидорлигини оширишнинг молиявий негизини мустаҳкамлаш йўлида иш олиб боради. Бу — деҳқонга, қишлоқ ҳўжасига мадад, дегани. Ахир шу кунгача ернинг аҳолини яхшилаш йўлида режалаштириб юрган ишларимизни амалга оширишда қўлимиз калпалек қилиётган эди-да. Молиявий кўмакка эгамиз эди.

Фармонда айтилгандек, «сув ҳўжалиги ташкилотларининг молий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишчи ҳам булун ҳаётнинг ўзи такозо этмоқда. Ҳўжатга кўра, тегишли ташкилотларни мелиоратив техникаси билан таъминлашга ихтисослашган лизинг компаниясининг ташкил этилиши янада қувонарли бўлди. Чунки мақсадларимизга техникасиз эришиш қийин.

Шу маънода, Фармонда белгиланган тадбирлар соҳадаги муаммоларни оқилона ҳал этиш учун шароит яратди. Ерга муносабатини замонавий талаб ва дил билан ташкил этишга йўл очиб беради.

Бектурди ЖУМАНИЕЗОВ, Хива туманидаги «Дилшод» фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қоҳрамони.

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Шу ўринда ушбу вазифаларнинг ечими сифатида қабул қилинган, фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунларни келтириб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига асосан, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир, ягона манбаи халқдир. Республика халқи эса Ўзбекистон фуқароларининг иборат. Халқ ўз хоҳиш-иродасини сайловлар орқали амалга оширади, давлат ишларига, сиёсий ҳаётда иштирок этади. Фуқароларнинг сайлов орқали давлат бошлиги — Президентни сайлаши ҳам шу масалага қаратилган. Сайлов ҳуқуқи фақат овоз беришда иштирок этиш-

тан бирор-бир афзалликка эга эмас, яъни, фуқаролар ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий маъво, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динига муносабати, машғулотиининг тури ва ҳусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга эканлиги қонун ҳужжатлари билан кафолатланади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи сайловнинг тўғридан-тўғри ўтказилишини билдиради, яъни, сайловчилар ўзлари жойлашган ҳудуддан туриб ўз хоҳиш-иродаларини ифода этадилар. Агар сайлов пайтида фуқаро чет элда бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ўша давлат ёки энг яқин давлатдаги элчихонасига келиб, овоз беришлари мумкин. Ўша кун бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги барча элчихоналарида тўлиқ шарт-шароитлар яратилиб берилади.

Шунингдек, қонунлиқда сайловчининг касалиги, ногиронлиги ва бошқа сирсиз тўлдириши ҳамда топширишини таъминлайдилар. Сўнгра бюллетень конвертга жойланиб, тегишли имзолар билан тасдиқланди ва сайлов участкасига топширилди. Овоз бериш жараёнида сайловчилар номзодларга ўз қарашларидан ва фикрларидан келиб чиқиб, хоҳиш-истакларини баён қилган ҳолда овоз берадилар.


сани эркин билдиришларига тўққинлик қилинмаслигини таъминлайди.

Сайловларда ихтиёрий қатнашиш тамойили бу — фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаси билан, ҳеч қандай таъийқсиз ва мажбурловларсиз сайловларда қатнашишини билдиради. Мазкур тамойилнинг амалий жиҳати шундаки, унга кўра, фуқаронинг сайловда нафақат қатнашишини, балки ўз хоҳиш-иродаси билан онгли равишда қатнашмаслиги ҳам мумкинлигини эътироф этиш лозим бўлади.

Сайловларнинг ошқоралиги тамойили деганда эса сайлов жараёнида тўлиқлигича оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиб, халққа таништириб борилиши лозим. Бу тамойилни таъминлашнинг тўлиқлигини оммавий ахборот воситалари билан биргаликда қулатувчилар ва халқаро қулатувчиларнинг фаолияти орқали ҳам амалга ошириш мумкин бўлади.


Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти ходими.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯГА ДУНЁ ХАРИДОР

Ўз навбатида, бу қимматбаҳо манбадан оқилона фойдаланиш, ресурсларни тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш борасида ҳам муайян ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергия ресурсларидан тежамли фойдаланишни таъминловчи ва рақобатбардодли ускуналар яратиб



Мамлакатимизда энергетика соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли, ўтган асрнинг 80-йилларидаги нисбатан элктр қуввати ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробардан зиёд ошди. Бугунги кунда 39 та электр станциясининг ишлаб чиқариш қуввати 55 млрд. кВт/соатни ташкил этмоқда.

Саидилми ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: қорхона фаолиятдан лавҳалар. Темур ҚУРБОНБЕКОВ олган суратлар.

ТАЪЛИМ — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тизимда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок, МДХ давлатларида биринчилардан бўлиб мамлакатимизда оли тўлиқ муассасаларига талабалар қўялининг ҳолис ва адолатли усули — тест синовлари жорий этилди. Олий таълим бўғинида ма-лакали мутахассислар тайёрлашнинг замонавий ва мукамал тизими — бакалаврлик ҳамда магистратура босқичлари асосида билим бериш йўлга қўйилди. Талаба-ёшларга миллий кадрларимизга ҳурмат, истиқлол қояларига садоқат, она-Ватанга муҳаббат туйғусини чуқур сингдиришдек эзгу вазифа ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисмига айланди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, тегишли соҳалардаги мутахассисларга бўлган эътибори инобатга олган ҳолда, бир неча янги олий таълим маканлари барпо этилиб, уларнинг фаолияти замон талаби ҳамда жаҳон андозалари даражасида ташкил этилди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини, Тошкент давлат авиация институтини, Навоий давлат кончилик институтини, Тошкент тиббиёт академиясини, Тошкент ислом университетини сингарини олий таълим муассасалари шулар жумласидандир. Айни пайтда таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциялашувига эришилгани амалий ишларнинг амалиётга кенг таътиб этилиши, барча соҳаларни малакали мутахассислар билан таъминлашнинг ўз самарасини бермоқда.

Таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар жаҳон миқёсида тобора катта қизиқиш уйғотиб, олий таълим сифатини янада такомиллаштириш йўналишлари, халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан ўзаро интеграциялашуви каби мазмуларда маърузалар тинглан-ди ва муҳокама этилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирини Р. Қосимов сўзга чиқди.

Нозоқат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

МУКАММАЛ ЛОЙИҲАЛАР ШАРОФАТИ

«Коммунар» дея аталувчи заводда узоқ йил ишлаб, меҳнатига яраша ҳақ ололмаган Абдумалик Каттабековни тунов қуни болалар боғида учратиш қолдиқ. Пўрим кийинган, хушвақтлиги шундоққона юз-кўзларидан кўриниб турибди. Неваралари билан сайрга чиққан экан.

— Қайлардан сўраймиз? — дея ҳазиллашди. — Дарақт бир ерда кўкаргани сингари биз ҳам кўз очиб кўрган жойимизда жавлон урялмиз, — шойрона гап қилди у. — «Коммунар»нинг хозирги номи «Тождметалл», биласиз-а? — Номи ўзгаргани билан... — Ҳамма гап шунда-да, — завқ-шавқ билан гапирга кетди Абдумалик. — Илгари, масалан, фойда-зиён билан ишимиз бўлмасди. Буни катталарнинг ўзлари ҳал қилишарди. Қорхона акциядорлик жамиятига айланган, ишлар юришиб кетди. Секин-аста оёққа турялмиз. «Тождметалл»-чилар ўтган йили 21,5 миллион сўм соф фойда олишди. Шунинг ҳисобига эски жиҳозлар янгиасга алмаштирилмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар пакта тозалаш қорхоналари учун эхтиёт қисмлар, мосламалар тайёрлаб беришда кўп келяпти. Бундан ташқари, Абдумалик ва унинг ҳамкасблари

«Тождметалл» акциядорлик жамиятлари, Хонободдаги «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма қорхонаси шулар сирасига қиради. Улар эришаётган ютуқларининг яна бир «сир-и шундаки, қўлда гулдай ҳўнари бор-у, лекин ўша ҳўнарни ишга солиш учун етарли маблағи, замонавий жиҳози бўлмаган усталар, ҳўнармандларнинг боши қовуштирилиб, касаначиликка жалб этилаётган. Касаначилик — аслида истиқлол берган имконият. 55 нафар ҳўнарманд устозода-

Модернизация

нинг «Тождметалл» атрофига жамланиб, ҳаммаинг ҳавасини келтирадиган дарвозалар, темирдан гул солинган панжаралар, ойнаванд эшиклар, сўрилар тайёрлаётгани ва ҳар бири 150 миң сўмгача ойлик иш ҳақи олаётгани ана шу имкониятдан оқилона ва самарали фойдаланилаётганлигининг амалдаги исботидир. Айрим сабабларга кўра, ўз фаолиятини тўқатиб қўйган бир қатор қорхоналар ҳўкумат ёрдами билан яна оёққа тураётгани ҳам қувонарли. Улар илгор

технологиялар билан қайта жиҳозланмоқда. Ишловчилар учун қўлай шарт-шароитлар яратилаётир. Биргина «Андижон тажриба-синаов» ҳиссодорлик жамияти модернизациялаш ҳисобига жорий йилнинг савқиз ойда «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси қорхоналарига 1 миллиард 48 миллион сўмлик эхтиёт қисмлар етказиб берди. Изабоскандаги пойабзал фабрикаси ўрнида янги ташкил этилган ва хоржонинг энг замонавий асбоб-анжомлари билан жиҳозланган «Ўзбек АНҚ сплиннинг» Корея хоржий шўба қорхонаси уч юз нафардан ортққ тўртқўнлик ишларни ўз бағрига олди. Айни кунларда «Пойтуғек» очик акциядорлик жамияти «Пойтуғек» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма қорхонасини ишга туширишга тайёрламоқда. «Изабоскан шойи тўқичи», «Пойтуғе поабзал» масъулияти чекланган жамиятларида ҳам модернизациялаш ишлари охирига етказилмоқда. Шунингдек, Қўшмадаги «РосУзтекстиль» қўшма қорхонасини ишга тушириш талдириги қўрилмоқда.

Қишлоққа саноатини олиб кириш, янги иш ўринлари яратиш ишлари Жа-лақудуқ туманида ҳам қўнгиладигандек олиб борилаётир. Кейинги ярим йил ичида бу ерда 1500 дан зиёд янги иш ўрни явудга келди. 11 хондонда уй меҳнатини ташкил этилди. «Алёртеко» қўшма қорхонаси, «Миматаштекстиль» ҳўсурий қорхонасининг меҳнат жамоалари эса шу кунларда касаначилик асосида яна 130 иш ўрни яратиш ҳарақатида. Вилоятдаги саноат қорхоналарида ўтган йилнинг шу давридагиқа нисбатан 120,8 фоиз ўсшига эришилди; шу жумладан, 10119894 миң сўмлик истеъмол моллари тайёрланди. Бу борадаги ўсш 126,8 фоизини ташкил этиди. Айни кунларда енгил саноат тизимига кирувчи қорхоналарни модернизациялаш ишлари жадал суратлар билан олиб боришмоқда. Табиийки, улар тўла қувват билан ишга тушган, озолаб янги иш ўринлари яратилди. Махсулот ҳажми ортди, сифати янада яхшиланди. Манфаатдорлик эса, «Тождметалл» жамоасида бўлганидек, кескин ортади. Одиложон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ЖАҲОН**

24 соат ичида

**Дипломатлар ташвиши**



**Бундан олдинроқ АҚШ Давлат департаменти мамлакатнинг Ироқдаги элчихонасида бўшаб қолган иш ўринларига америкалик дипломатларни таклиф қилганди.**

Бирок 300 нафарга яқин номзоднинг аксарияти, ойлик маошларнинг юқорилигига қарамай, мазкур мамлакатга ишга боришга розилик бермади. Шундан сўнг АҚШ Давлат департаменти дипломатларни Ироққа мажбурий жўнатиш тўғрисида маъмурий чоралар кўрди. Бу қарорга қўнчилик норозилик билдиришди.

Жамоа йиғилишида ёши улуг дипломат Жек Кролди дипломатларни Ироққа жўнатиш ўлимга маҳкум этиш билан баробар ақаллиги, ҳар бир шахс, биринчи навбатда, ўз хавфсизлиги ва оиласини уйлаб қарор чиқаришнинг таъминини таъминлади. Бирок давлат департаменти раҳбарияти мамлакат ташқи ишлар идораси ходимлари ушбу касбини танлаганда, ер юзининг исталган нуқтасида виждонан ишлашга қасамд қабул қилишганини эслатди.

**Довул келтирган офат**

«Ноз» тропик довули Доминикан Республикаси ва Гаитида 80 нафардан ортиқ инсоннинг ўлимига сабаб бўлди. Бундан ташқари, 50 дан ортиқ киши дом-дараксиз кетган. Сув тошқинлари инфратузилма ва тураржой биноларига жиддий таъсир кўрсатган. Сўнгги маълумотларга қараганда, Доминикан Республикасида 60 минг аҳоли хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинди. Айни пайтда довул шимол томонга ҳаракатланмоқда.



Хозирда Мексика ҳам ушбу табиий офатдан қаттиқ жабр кўрмоқда. Табаско штатининг 70 фоизи сув остида қолган. Мазкур штатнинг 400 минг нафарга яқин аҳолиси тошқинлардан жабр кўрмоқда. Айни пайтда Табаско штатига факулдада ҳолат эълон қилинган.

**Космосдан разведка**

Плесецк космодромида «Космос-3М» ракетаси муваффақиятли учирди. У Германиянинг разведка қилишга мўлжалланган «SAR-Lupe» сунъий йўлдошини очик фазога олиб чиқиши керак.

**40 минг йиллик қамоқ жазоси**



Испания суди 2004 йили Мадридда амалга оширилган терактга алоқадорликда гумон қилинган уч нафар шахсни айбдор деб топди.

Уларнинг ҳар бирига 40 минг йиллик қамоқ жазоси берилди. Бирок мамлакат конунчилигига қўра, маҳкумларнинг ҳар бири 40 йил панжара ортида ўтурса бўлди. Эслатиб ўтамиз, 2004 йил 11 мартда Испания пойтахтидаги шаҳар атрофида қатновчи йўловчи поездаларида давомли терактлар содир этилганди.

Натижада 191 киши ҳалок бўлган, 1800 дан ортиқ тинч аҳоли жароҳатланган эди. «Sky News» ахборот агентлиги хабаридан айтилишича, 28 киши мазкур жиноятга алоқадорликда гумон қилиниб, суд ҳукмига ҳавола этилди. Шундан 21 нафари турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди. Етти нафари эса суд томонидан оқланди.

**Бармоқ изли паспорт**

Шу йилнинг 1 ноябрдан бошлаб Германиянинг ҳар бир фуқароси чет элга чиқишга ружат берувчи паспорт олишлари мумкин, бирок бунинг учун улар кўрсаткич бармоғи изини топшириши керак.



Мазкур ҳужжат эгалари ҳақидаги маълумотлар унинг бармоқ излари билан биргаликда махсус чипларда сақланади. Бармоқ изларини топшириш учун узок муддат кутиш шарт эмас. Ҳукумат вакилининг билдиришича, бу жараёнга 20 дақиқа kifойа. Бундан ташқари, фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар сақланаётган чиплар ишончли муҳофазаланган. Уни ҳар қим ҳам қўлга киритолмайди. Мазкур паспорт мамлакат фуқароларига 10 йил муддатга берилади ва бунинг учун улар 59 евро тўласалар, бас. 24 ёшга тўлмаганларга эса бундай паспорт 6 йиллик муддатга берилади.

**Самолёт газ билан учади**



«Qatar Airways» авиакомпанияси «Qatar Gas», «Shell», «Rolls-Royce» ва «General Electric» компаниялари билан янги лойиҳа юзасидан муҳокамалар ўтказмоқда. Унга қўра, «Qatar Airways» яқин келажакда ўз самолётларини авиация керосинидан табиий газга ўтказишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда «Emirates Today» газетаси хабар тарқатди. Агар ушбу лойиҳа амалга ошадиган бўлса, «Qatar Airways» авиакомпаниялари газ ёнилғисидан амалга оширадиган дунёдаги биринчи компанияга айланади.

«Rolls-Royce» вакилининг билдиришича, айни пайтда компания газ ёрдамида ишлайдиган лайнер двигателлари яратиш устида бир неча авиакомпаниялар билан музокаралар олиб бораёпти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**Касаначилик: МАҲСУЛОТ АРЗОН, ДАРОМАДИ САЛМОҚЛИ**

«Муборакнефтьгаз» нефть ва газ қазиб чиқариш шўба корхонасида мана, икки йилдирки, янги касб эгалари — касаначилар ҳам иш олиб боришаёпти. Бу йўналишнинг пайдо бўлиши ва шаклланишига Юртбошимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Ириқ сановат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидagi иш-лаб чиқариш ва хизматлар ўрнатилди» қарори ва кенгайтириш раёбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони сабаб бўлди. Дастлаб Муборак шаҳри ва унинг атрофида яшовчи 30 нафар хотин-қиз билан шартнома тузилди. Уларга уй-ларида ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Натижада улар

тикувчилик, гилам тўқиш, кигиз тайёрлаш, кўрпа-ёстиқ жилдини тикиб бериш ишлари билан шуғулланишмоқда. — Касаначилигимиз тайёрлаётган махсулотлар бизга тобора кўпроқ фойда бераёпти, — дейди корхона бошлиғининг умумий масалалар бўйича ўринбосари Баҳодир Норқулов. — Шунинг хисобига уларга компьютер хизматлари олиб берилди. Яқингина бино ҳам ажратганмиз. Хозир бу тармоқда салкам 80 киши фаолият юритяпти. Уларнинг ёрдамида неча йиллар давомида тўпланиб қолган, турган гапки, металлорма айлан-

ши аниқ бўлган минглаб бочкалар челақ ва бакларга айланяпти. Эски металл қопламалардан эса кетмон, бел-қурак тайёрланмоқда. Шунингдек, кончилар учун зарур бўлган ўн минглаб жуфт қўлқоп, кўрпа-ёстиқ жилдлари тайёрлаб берилаётир. Энг муҳими, бу махсулотлар бизга нҳоятда арзонга тушаёпти. Муборакда уйда ўтириб, элга наф келтираётган касаначилардан бири — Зулхумор Хушмуродова. У қўлқоп, кўрпа-ёстиқ жилдлари тикади. — Э, келганингиз яқин бўлди, — дейди у касаначилик йўналиши раҳбари Раҳ-

мат Саидовга. — 80 та кўрпа-ёстиқ жилдини, 800 дан ортиқ қўлқопни тикиб, тайёрлаб қўйгандим. Зулхумор Хушмуродова асосий ишдан ташқари ўнлаб хотин-қизларга чеварлик сир-асорини ўргатади. 30 га яқин шопири эса хозирда мустақил ишламоқда. Гулзодадон дастлаб боғчада ишларди. Иш ўрни қисқариб, эндигина ўттиз беш ёшни қаршилаётган аёлнинг ишсиз қолиши анчайин оғир бўлди. Хайриятки, корхонадагилар унинг бичиш-тиқишда билими, ўқуви, маҳорати борлигини билиб, касаначиликка таклиф қилишди. Шундай қилиб, у яна иш топди. Бахарган ишга қараб, ҳар ойда 80-90 минг сўмини санаб оляпти. Муборак шаҳрида хозир қарийб икки юзга яқин хотин-қиз касаначилик орасидан даромад қилапти. Уларнинг бо-шини қовуштиришда «Муборакнефтьгаз» шўба корхонасида ибратли ишлар тобора кўпаймоқда. Яқинда корхона энг яқин касаначи аёллар учун Япониядан 20 та «Ямата» русумли замонавий тикув машинасини харид қилди. Демак, уларнинг сафи янада кенгайди.

Абдулла БОБОЁРОВ.

**«Машҳура»нинг карманалик ўқувчилари**

Тошкентдаги кўп тармоқли «Машҳура» хусусий фирмаси Кармана туманида янги ўқув муассасаси тузилишини фойдаланишга топшириш арафасида турибди.

Умумий майдони 1080 квадрат метрдан иборат мазкур ўқув марказида ҳар йили 400 ёш йигит-қиз авточиларга, сартарошлик, қандақчилик, компьютер мутахассислиги бўйича касб-хўна сирларидан сабоқ олади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ**  
**ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**  
**МУАММОЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ**

ҚУЙДАГИ ИХТИСОСЛИК  
 БЎЙИЧА АСПИРАНТУРАГА 08.00.02 — МАКРОИҚТИСОДИЁТ  
 ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

МАНЗИЛИМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ,  
 «ЎЗБЕКИСТОН» ШОҲҚҲАСИ, 55-УЙ. ТЕЛЕФОН: 139-21-06.

**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚҚ**

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйдагиларни таклиф этади:

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м<sup>3</sup>, 250 м<sup>3</sup>, 400 м<sup>3</sup>, 650 м<sup>3</sup>, 1000 м<sup>3</sup>, 1600 м<sup>3</sup> гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатида эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м<sup>3</sup> дан 25 м<sup>3</sup> гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м<sup>3</sup> дан 40 м<sup>3</sup> гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м<sup>3</sup> дан 6 м<sup>3</sup> гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м<sup>3</sup> дан 10 м<sup>3</sup> гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м<sup>3</sup> дан 16 м<sup>3</sup> гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатида эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.  
 Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

**КОРХОНА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ**

**ЭМАЛ-СИМ ПЭТВ-2**

Электродвигателларини ремонт қилиш учун қалинлиги 0,25дан 1,8мм гача

Махсулот сертификатланган

**Тел.: 267-37-62, 267-47-65**

**УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ**

**«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ**

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозавоидида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини сотади.

Юк ташувчи УАЗ-3303.

Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.

Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39094.

Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4х4 МРV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Харидорлар диққатига! Автомобилларни лизингга, кредитга олиш бўйича акциядорлик тижорат «Ҳамкорбанк»нинг барча филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

<p><b>Сервер</b></p> <p>PY ECO20052A                  XEON DP 5050                  2 x 250G                  2X 1GB ECC                  DVD-RW DL</p>	<p><b>LCD Мониторлар</b></p> <p>SCENICVIEW A17-2                  SCENICVIEW E19-6</p> <p>Кафолат — 3 йил</p>	<p><b>Ноутбуклар</b></p> <p>FUJITSU SIEMENS COMPUTERS                  Баҳоиси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори.</p> <p>Кафолат — 2 йил</p>
<p><b>Монитор</b></p> <p>ESPRIMO P2511 946GZ                  CPU 420/512MB/ 80 GB                  Serial/DVD Serial                  ATA/Linux</p> <p>Кафолат — 3 йил</p>	<p><b>Шахсий компьютер FSC</b></p>	<p><b>Монитор</b></p>

Махсулот сертификатланган.



**Мамлакатимизнинг уч минг йиллик тарихи солномасини арақласак, унда кишини ҳайратга соладиган турли сирли саноатлар, тарихий нобликлар кўз ўнгингизда жиллоланади. Халқимиз ақл-заковатининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланган Хоразм Маъмур академияси («Байтул-хикма» — Донишмандлар уйи) ана шундай дурдоналардан биридир. Бундан минг йил олдин ушбу маскандаги машҳур олимларимиз ўз илмий кашфиётлари билан бутун дунёни лол қолдириб, донг таратганлар. Бу улғу ҳақиқат, афсуски, неча-неча замонлар бизга умуман ёт бўлган мустабидлик сийёсати соясида қолди. Фақат Истиқлол шарафати билан халқимизнинг асрий ораулари рўёбга чиқди.**

# АЖДОДЛАРНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ

Юртбошимизнинг ташаббуси билан бундан ўн йил олдин инсоният тарихидаги илк илм-фан марказларидан бўлиши Хоразм Маъмур академиясининг қайта ташкил этилиши ва ўтган йили унинг 1000 йиллиги дунё миқёсда кенг нишонлангани Истиқлол даврининг улкан воқеаларидан бири бўлди. Бу тарихий воқеа жаҳонда Ўзбекистоннинг цивилизация тарихидаги мавқеи доимо баланд бўлиб келганини дунё ахли кўз ўнгига яна бир бора намойиш қилди. Шунингдек, академия эшикларини қайта очилганлиги мамлакатимиз илмий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, илм-фани тараққий топтириш, фидойи олимларни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим аҳамият касб этди.

Академия олимлари ўтган ўн йил ичида фундаментал дастурнинг 7 та, давлат илмий-техник дастурининг 27 та лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фондининг 7 та танлов лойиҳаси устида қизгин изланишлар олиб бор-

дилар. Жумладан, Хоразмнинг қадимий тарихи, миллий давлатчилигимиз асослари, воҳаниннинг тарихий-археологик ёдгорликлари ва маданиятини ўрганиш, минтақадаги экологик ҳолат, ер ва сув ресурслари, қишлоқ хўжалигида маҳаллий иқлим шартитига мос янги навлар яратиш, алмашлаб экиш ва бошқа қўллаб-қувватлаш бўйича жиддий изланишлар қилинди. Шунингдек, сув танқислиги шартитида ерларнинг шўрини ювиш технологияси, шўрхок заминда зиратчилик тадбирлари тўғрисидаги тавсиялар 210 минг гектар экин майдонида синаб кўрилди. Биологик хусусиятларига кўра, 19 тур ўсимликдан тайёрланган шифобахш «Хива» малҳамини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Юртбошимиз 2005 йили Хоразмга ташриф буюрганларида мазкур академияда бўлиб, унинг фаолияти ва юбилейга тайёрланган ишлари билан танишиб, «Маъмур Хоразм академияси республика Фанлар академиясининг ҳудудий бўлимига бўлиб қолмасдан, у ўзига хослиги билан дунёга машҳур илмий тадқиқот марказига айланмоғи даркор», деган эдилар. Ана шу кўрсатмага биноан, Маъмур академиясида олиб борилаётган ил-

мий тадқиқотларнинг йўналишлари синхронлик билан танлашга ҳаракат қилди.

Ўтган йили академиянинг минг йиллик тўйи арафасида, фаолияти-мизни янада жонлантириш мақса-дида Президентимиз томонидан ўта ноёб, зарур биохимик лаборатория анжомлари тўхта қўлингалиги иш-мизни янада олға силжитди. Энди бу ўта замонавий дон ва дон маҳ-сулотларининг сифатини аниқлайди-ган комплекс лабораторияда буг-дод ва ун таркибидagi клейковина, шунингдек, оқсиллар микдорини аниқлаш мумкин. Бу эса келгусида

нухсалардир. Бундан ташқари, ака-демияда илмий, тарихий, бадий ва илмий-оммабоп китоблар ҳамда ил-мий қўлланмаларни ўзбек ва чет тил-ларда нашр қилиш имконига эга но-ширлик бўлиши мавжуд. Ўтган йил-дан буён ана шу бўлимда «Хоразм Маъмур академияси ахборотнома-си» нашр этилмоқда. Академиядаги компьютерларнинг барчаси интер-нет тизимига уланган.

Олимларимиз хориздаги илмий муассасалар билан фаол ҳамкорлик қилмоқдалар. Жумладан, Франция-нинг Сорбонна университети, Фран-ция Фанлар академияси, Франция миллий кутубхонаси, Мисрнинг Айн Шамс университети, Корея Респуб-ликасининг Кён-Хи университети, Саудия Арабистонининг Подшоҳ Файсал илмий-тадқиқот маркази ва бошқалар билан амалий-илмий ало-қалар ўрнатилди. Яқинда Малайзия давлатининг бир гуруҳ олимлари ака-демияга ташриф буюришди. Улар 2006 йилда Малайзияда ўтказили-ши мўлжалланган «Муслмон олим-ларининг жаҳон тараққийига қўшган ҳиссаси» номи қўрамада Хоразм Маъмур академиясининг музей экспозициясини намойиш этиш тақли-фини билдиришди. Бундан ташқари, томчилати суғоришда Малайзия тажрибасини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш, бу мамлакатнинг шо-лиқчилик тажрибасини ўзлаштириш, аҳолига тозаланган ичимлик суви етказиб бериш тажрибасини ама-лиётга қўлаш каби масалаларда ҳамкорлик олиб бориладиган бўлди. Яқинда Маъмур академиясида республикамиз Фанлар академияси ва Буюк Британиянинг Кембриж уни-

**Янги хабар**

Оқила, доно, назокату нафосати билан ном таратган ўзбек аёли тимсолида садоқатли оила бекаси, фарзандлари тарбияси йўлида жонкуяр, миллий қадриятлар ва аъёнлар бардавомлиги учун масъул шахсни кўриш мумкин.

## Назокат ва нафосат кўриги

Хусусан, мамлакатимизда кенг миқёсда ўтказилаётган «Йил аёли» миллий танлови ана шундай юксак қадриятларни тарғиб қилиш, аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган.

Жумладан, куни кеча Сурхондарёда ушбу танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Қатнашчилар кўрик шартларини бажариш асносида ўз иқтидорлари ва

истеъдодларини намойиш этдилар. Ҳакамлар ҳайъати томони-дан воҳанин энг фаол аёллари-дан бири, Термиз туманидаги «Сурхон воҳаси» фермер хўжали-ги раҳбари Рисолат Маматқуло-ва танлов голиби деб топилди. Тадбир сўнггида барча иштирок-чилар махсус сертификат ҳамда эсдалик совғалари билан тақдир-ландилар.

**Абди ҚОДИРОВ.**

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 4 декабрь куни соат 11.00 да

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказилайдиган очик аукцион савдоларига куйидаги автотранспорт воситасини кўймоқда.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилири бўлими томонидан 2004 йил 12 ноябрдаги 38264/7-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, С.Раҳи-мов тумани, Зарқайнар кўчаси, 6-тупик, 36-уйда сақланаётган, давлат рақами 30К15-70 бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган «Ниссан Ленглет» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 440 000 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилири иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдорда закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альянс» минибанкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.

Лицензия DB001-000010

Спорт • Sport • Спорт

## ТОШКЕНТДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Бугун пойтахтимизда спортнинг «Универсал жанг» тури бўйича VIII жаҳон чемпионати бошланади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимиз йирик спорт турнирларига мезбонлик қилди-ган марказлардан бирига айла-ниб бормоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, истиқлол йилларида Ўзе-бекистонда бунёд этилган спорт са-ройлари, замонавий инфратузил-ма, юртдошларимизнинг халқро турнирларда зришаётган улкан ютуқлари дунё спорт жамоатчи-лиги эътиборига тушмоқда.

Маданият ва спорт ишлари ва-зирлиги, Шарқ яққаурашлари ва жанг санъати маркази ҳамда Осиё «Универсал жанг» федера-цияси ҳамкорлигида уюштирила-ётган нуфузли мусобақада майдон эгаларидан ташқари Россия, Франция, Латвия, Литва, Укра-ина, АҚШ, Жанубий Корея, Индо-незия, Хитой, Покистон, Мўғлис-тон, Эрон, БАА, Қозғистон, То-жикистон, Қирғизистон каби дунё-нинг 30 дан ортиқ мамлакатидан келган 100 нафардан зиёд спорт-чи иштирок этиши кутилмоқда. Мусобақа доирасида Марказий Осиёда биринчи бор пичок отиш бўйича ҳам жаҳон чемпионати ўтказилди.

Чемпионат ўйинлари пойтахти-миздаги «Универсал спорт са-



Футбол бўйича МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоғига қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Аввал хабар берганимиздек, мусобақалар келгуси йилнинг 19-27 январь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги «Петербург» спорт мажмуаси ва «Зенит» спорт ўйинлари саройида ўтказилади.

Иштирокчилар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда медаллар учун кура-шади. Турнирнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» (жорий йил ҳам Ўзбекистон чемпиони бўлишга яқин турибди) қўрға натижага қўра, нисбатан кучли — «D» гуруҳидан ўрин эгаллади. Шундай қилиб, қўрға натижалари қуйидагича кўриниш олди:

«А» гуруҳи: Россия, Туркменистон, Молдова, Эстония; «В» гу-руҳи: Озарбойжон, Қозғистон, Литва, Тожикистон; «С» гуруҳи: Лат-вия, Грузия, Сербия, Қирғизистон; «D» гуруҳида эса Ўзбекистон, Беларусь, Украина, Арманистон мамлакатлари чемпионлари баҳс юри-тади.

Миллий чемпионат ўйинлари ҳали тугамаганлиги боис, қатнаша-диган жамоалар номи кейинроқ эълон қилинади. Мусобақа тизими ва низоми ўзгармаган. Гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгалла-ган жамоалар кейинги босқичга йўл олишади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

HYUNDAI АВТОМАРКАЗИ ОЧИЛГАНИНИНГ 1 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН DONGNAMUZ-MOTORS КОМПАНИЯСИ 19-24 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ АКЦИЯСINI ЎТКАЗМОҚДА.

МАШИНАЛАРГА БЕПУЛ ТАШХИС КЎЙИШ, ТАЪМИРЛАШГА ЧЕГИРМАЛАР, HYUNDAI АВТОМАШИНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БЕПУЛ ЎРГАТИШИ!!!

ХИЗМАТНИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ТАЖРИБА ОРТТИРГАН МУТАХАССИСЛАР БАЖАРАДИ.

ХИЗМАТГА ЁЗИЛИШ 5 НОЯБРДАН КЎЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

+998 71 250-11-11,  
+998 71 250-69-99.

## HYUNDAI!!! ЎЗ ЙЎЛИНГНИ ЎЗИНГ ТАНЛА!!!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га 9.00 дан 18.00 гача

**ЭЪЛОНЛАР** 136-09-25

242-хона 132-10-63

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

Chem Plast ASIA miningworld

## ХимПластАзия . . . . . Тоғ - Кон иши

### ДИҚҚАТ, КЎРГАЗМАЛАР ЎТҚАЗИЛАДИГАН САНАЛАР ЎЗГАРДИ!

### 2007 йил 6-8 ноябрь

КЎРГАЗМАГА ЭСКИ САНА КЎРСАТИЛГАН ТАКЛИФНОМАЛАР БИЛАН КИРИШ МҮМКИН.

Кўргазма ўтказиладиган жой: Ташкилотчилар:

«Ўзэкспомарказ» Тошкент

ITE UZBEKISTAN EXHIBITIONS & CONFERENCES LTD

Тел.: +(998 71) 113 01 80  
Факс: +(998 71) 152 51 64

ufi

**Халқ сўзи**  
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Манзилимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев.  
Навбатчи — М. Охунова.  
Мусахҳад — Ҳ. Топхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6